



ТОШКЕНТ ХАЛҚИ

2009 йил
30 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 104
(12.220)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Ҳаётда шундай босқичлар борки, унда ҳар бир инсон, оила, юрт, жамият ва давлат эришилган натижаларни сарҳисоб қилади, танқидий баҳолаб, истиқбол режаларини белгилаб олади. Йилларнинг алмашинуви ана шундай довол, муҳим палла.

Бугун биз мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётида улкан из қолдираётган 2009 йилни кузатиш ва ҳеч шубҳасиз, буюк келажаки барпо этишда, фуқаролик жамиятини янгилаш, демократик ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиб қоладиган 2010 йилни кутиб олиш арафасида турибмиз.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, биз ўтиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришга, маънавий-маданий ҳаётни гўзаллаштиришга, қишлоқларимизни янада обод, аҳоли турмуш шaroитини фаровонлаштиришга эришдик. Бугун чекка қишлоқларда ҳам улкан ўзгаришлар, янгиликлар яққол кўзга ташланмоқда.

Вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари муваффақиятли амалга оширилаётганлиги бунинг асосий омил бўлаяпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,2, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳажми 6,3, хизматлар ҳажми 25,1 фоизга ошиши кутилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларидан тобора самарали фойдаланиш, янги-янги хусусий тадбиркорлик ва қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорларимизни эгаллаб, савдо айланмаси 17,3 фоизга кўтарилганини таъминлади. Буларнинг ҳаммаси макроектимизнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу бир йилда вилоятимизда ўнлаб мактаб, коллеж ва лицейлар қурилди, юзлаб билим даргоҳлари, шифохоналар капитал таъмирланиб, замонавий таълим-тарбия, таъхис-даволаш воситалари билан жиҳозланди.

Энг муҳими – агросаноат маҳсулида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини кўтариш йўлида катта қадамлар қўйилди. Бугун одамларимизнинг дунёқараши, воқеа-ҳодисаларга муносабати, эл-юрт тақдири учун масъулият туйғуси бекиёс ўзгарибди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтган сайловларнинг натижалари бунинг далили бўла олади. Мамлакатимиз раҳбарининг яқин ва оқибатда йўналишларини, барча сиёсий қўллар ва ҳаракатларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини белгилашда янгида сайланган ҳокимият вакиллик органлари фаолияти алоҳида ўрин тутуши шубҳасиз.

Биз ўз келажагимизга мана шундай ишонч билан янги – 2010 йилни кутиб олмақдамиз. У давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Дав-

лат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишига биноан бугун махсус дастур ишлаб чиқилди. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида вилоят дастурини муваффақиятли амалга оширишни таъминловчи энг муҳим омил – келгуси йилги вилоят бюджети тасдиқланди.

Маълумки, дунёнинг кўп-лаб мамлакатларида давом этаётган молиявий ва иқтисодий танглик шaroитида мамлакатимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, транспорт инфратузилмасини ва коммуникацияларни ривожлантириш дастури изчил амалга ошириляпти. Натижада барча тармоқларда юқори ўсish суръатларига эришилмоқда. 2009-2014 йилларга мўлжалланган бу дастур инвестиция лойиҳалари қўламини кенгайтириб, шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарини барпо этиб, ишга тушириш имконини беради.

Баркамол авлод йили муносабати билан вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида катта-катта режалар белгиламоқда. Бу, аввало, "Соғлом она – соғлом бола" фоғсини ўзда маҳсул этган амалдаги дастур доирасидаги сай-ҳаракатларни яна ҳам жадаллаштиришни кўзда тутди. Асосий эътибор инсон саломатлигига путор етказувчи ҳаф-хатарларнинг олдини олиш, тиббий хизмат даражасини янада кўтарish қаратилмоқда. Келгуси йилда соғлиқни сақлаш соҳасига вилоят бюджетидан 143,5 миллиард сўм маблағ ажратилаётганлиги бу ишларнинг молиявий асоси нақадар пухта эканлигидан далолат.

2010 йилда таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш йўлида салмоқли қадам қўйилди. Соҳани сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтариш мўлжалланмоқда. Табиийки, бу катта микдорда маблағ сарфлаш билан боғлиқ. Шу боис бу мақсад учун вилоят бюджетидан 342,7 миллиард сўм ажратилляпти. Умуман олганда, келгуси йили маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш лойиҳаларига жами харажатларнинг қарийб 76 фоизи сарфланиши эътиборга олинса, баркамол янги авлодни камол топтириш ишларининг қўламини яққол тасаввур этиш мумкин.

Баркамол авлод йили эшик қоқмоқда. У ҳаётимизда унутилмас воқеаларга бой бўлиши, турмушимизни янги мазмун билан қанчалик бойитиши, азиз ва мўътабар Ватанимиз – Ўзбекистон Республикаси тарихида қандай из қолдириши ҳар биримизнинг орзу-интилишларимизга, бутун жамиятнинг ҳамжиҳатлигидаги сай-ҳаракатларига боғлиқ. Шунинг эъдида туриб, Янги йилни хуш қайтиб, ўз куч ва салоҳиятимизга, эртанги бахтли қўла-римизга ишонч билан кутиб олайлик.

Ассалом, Янги йил!
Жўрабек МУРОДОВ.



БАЙРАМ КЕЧГАЧА ДАВОМ ЭТДИ

Вилоят руҳий-аномал болалар уйида Янги йил арча байрами кўтаринки руҳда ўтди. Тарбияланувчиларга Президентнинг Янги йил совғалари топширилди.

Тантаналар залида яратилган кўркам арча атрофида эртак қаҳрамонлари – Қорбобо, Қоркиз, Буратино, Перо, Қарабас Барабас, Қизил қалпоқча, Мушук, Тулки, Бурни "Янги йил сарғу-заштлари" саҳна кўринишида чиқди. Тарбияланувчилар шеърлар ўқиб, ашула, рақслар ижро этишди.

Қибрай туман ҳокими

Н. Муҳаммедов болаларнинг байрам билан табриклаб, ширинликлар, ўйинчоқлар, кийим-кечак тортиқ этди. Қибрай шаҳарчасидаги "Зебунисо" ва "Янгибод" маҳаллалари ҳамда болалар уйи ходимларининг байрам совғалари ҳам тақдим этилди. Шўх-шодон байрам кечгача давом этди.

Юсуф ЖУМАЕВ.



Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Ўтган якшанба – 27 декабрь, ҳеч шубҳасиз, мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўзгаришларни бошлаб берадиган кун сифатида тарихга кирди. Шу кунни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ

депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Бу сайловларнинг аҳамиятли жиҳати у Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар тобора чуқурлашиб бораётган, қонун ижодкорлиги ривожланётган бир даврга тўғри келди.

САЙЛОВЛАР ОШКОРА ВА ДЕМОКРАТИК РУҲДА ЎТДИ

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда сиёсий партиялар жамиятини янгилаш ва демократлаштириш жараёнида янада фоаллашди.

Тошкентда сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси раиси М. Абдусаломов мазкур сиёсий тадбир мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлиб қолаётганини алоҳида қайд этди. Мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирокидаги анжуманда таъкидландики, дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 15 миллион 108 минг 950 сайловчи иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,8 фоизига тенг. Шундай қилиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига биноан Парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтган, деб ҳисобланади. Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палата-



сига депутатлар сайланди. Қонунчиликка биноан, қолган 31 та округда икки ҳафтalik мuddатда қайта сайлов ўтказилади.

Сайлов кунини Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бўлиги ва экоҳаракат ижроия кўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 15 депутат сайланди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби вилоятимизда ҳам сайловлар амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ тарзда ўтди. Вилоятимиз ахли қонун билан қафолатланган фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиб, юртимиз келахаги учун овоз берди. Вилоятимизда сайловларга тайёргарлик ишлари жуда юқори савияда ташкил этилганлиги яққол сезилди.

Уртачирчиқ туманидаги 15-мактабда жойлашган 705-сайлов участкаси халитонг отмасданок сайловчилар билан гавжум бўлди. Давлатимиз мадҳияси янгради. Сайлов участкасида жами сайловчилар сони 2 минг 958 киши бўлиб, улардан 83 нафари бундай муҳим тадбирда биринчи марта иштирок этди.

706-сайлов участкасида ҳам сайловчиларнинг фаол иштироки кузатилди. – Рўйхатдан ўтган 2 минг 545 сайловчидан 90 нафари 18 ёшга тўлган бўлиб, илк бор овоз бермоқдалар, – дейди участка сайлов комиссияси раиси Гулбаҳор Қўқорова. – Турли сабаблар билан бу ерга келолмаган 11 нафар сайловчи хонадонига махсус сайлов қўтиси кузатувчилар иштирокида жўнатилди.

Сайловнинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бўлиги ва экоҳаракат ижроия кўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 15 депутат сайланди.



МАВЗУЛАР ТУРЛИЧА

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА) томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси кўмағида 2 йилдан бунён ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотлар миллий фестивали ўтказиб келинмоқда.

Яқинда иккинчи бор ана шундай Фестиваль бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида энг яхши ижтимоий мавзудаги аудио ва видеомаҳсулотлар танлови ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, ассоциация ўз фаолиятининг дастлабки қўллариданок нодавлат электрон ОАВнинг ижтимоий аҳамиятга молик телерадиомаҳсулотлар, шу жумладан ижтимоий роликлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини рағбатлантириш юзасидан фаол иш олиб бормоқда. 2005 йили ассоциацияга ижтимоий телемаҳсулотларни ишлаб чиқариш учун махсус давлат ижтимоий бюроти ажратилиб, ушбу ижтимоий бюротга маблағлари 15 та ҳудудий теле ва 5 та нодавлат радиостанция ўртасида тақсимланди. Лойиҳани амалга ошириш мобайнида шу кўн-гача ҳудудий телестанциялар томонидан 1000 дан зиёд ижтимоий роликлар тайёрланди ва улар қарийб 11 минг марта эфирга берилди.

Ҳалилар ҳар бир номинация бўйича нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан очик электрон овоз бериш йўли билан аниқланди. Улар рақамли видеокамера, монтаж компьютери, телевизор, DVD-плеерлардан иборат қимматбаҳо совғалар билан таъдирланди.

Яйра КАРИМБЕРДИЕВА.

ЮРТ ТАЯНАДИГАН КУЧ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллик тантанасида 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилди. Бинобарин, ҳар бир давлат ва жамиятнинг келахаги ўсиб келаётган ёш авлодлар туфайли бардавом ва барқарордир.

Ўзбекистонда ёш авлод ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртимизда вояга етаётган авлод ўз она юртига посбон бўлиши, унинг мустақиллигини, ҳудудий яхлитли-

гини кўриклашни, ватанпарварликнинг энг олий тамойили деб биладилар. Зеро, Ватан ҳимоясига ҳаммisha тайёр туриш умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Юртошимиз таъкидланганларидек: "Атрофимиз-

даги нотинч дунёда дўстларимиз бор, лекин Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни хоҳлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун улар барча найранглардан, қолаверса, ҳарбий кучдан ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли, бизнинг яхши тайёрланган ва қуролланган, истиклолимиз ва чегараларимизни ҳимоя қилишга қодир армиямиз бўлиши керак".

(Давоми 4-бетда).

Ашурали
БОЙМУРОДОВ.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЛАР ОШКОРА ВА ДЕМОКРАТИК РУҲДА ЎТДИ

– Бугун юртимизда катта сиёсий жараён, – деди ёш сайловчи Жаҳонгир Юсупов. – Мен сайловда биринчи бор иштирок этишим. Партиялардан қўйилган номзодлар дастурлари билан танишиб чиқиб, уларнинг энг муносибига овоз бердим.

Зангиота туманида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларига сайловлар уюшқоқлик билан ташкил этилди. 386-сайлов участкасидан рўйхатга олинган 3 минг 288 сайловчидан 290 нафари бу йил сайловларда илк бор қатнашиб, ўз фуқаролик бурчини бажарди. Куннинг биринчи ярмидаёқ сайловчиларнинг 65 фоизи юрт келажаги, Ватан равнақи учун овоз бериб улгуришгани аҳолининг сайлов масъулияти ва маданияти тобора юксалиб бораётганидан далolatдир.

Шу кунги вилоятимизнинг Юқоричирчиқ туманида ҳам

(Давоми. Боши 1-бетда).

сайловлар кўтаринки руҳда ўтди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари одамларни сайлов участкалари томон чорлади.

– Сайловчиларимиз фаоллиги жуда юкори, – дейди 757-участка сайлов комиссияси раиси Зулфия Айтбоева. – Ўзингиз қўриб турганингиздек, сайловчилар оилавий бўлиб келишпти. Бунинг аҳамияти катта. Бинобарин, фарзандларимизга ёшликданок мана шундай фуқаролик масъулиятини сингдириб боришимиз зарур.

Тумандаги 581-сайлов участкаси ҳам эрталабдан одамлар билан гавжум бўлди.

– Сайловга тайёргарлик жараёнида мен бир неча бор номзодлар билан учрашиб, уларнинг дастурлари билан танишдим, – дейди сайловда илк бор иштирок этаётган Мавлуда Қолиева. – Уларнинг энг муносибига овоз бердим. Ишонаманки, мен қувватлаган депутат агар сайлангудек бўлса, юртимизда меҳмон сиёсий ҳаётида фаоллик



қўрқатиб, эл манфаати йўлида хизмат қилади.

Сайлов жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида юртимизда меҳмон бўлиб турган халқаро куза-

тўвчилар шу кунги вилоятимиздаги сайлов участкаларига ҳам ташриф буюриб, овоз бериш жараёнларига гувоҳ бўлдилар. Биз фурсатдан фойдаланиб, уларнинг фик-



ри билан қизиқдик.

Юртингизда сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтказилганининг шохиди бўлди, – дейди Германиялик профессор Ханс Йохил Кнауце. – Жойларда сайловга катта ва жиддий тайёргарлик қўрилибди. Сайловчилар учун барча қулайликлар мавжуд.

– Бу муҳим сиёсий тадбир миллий қонунчилик ва халқаро меъёрларга мувофиқ ўтказилди, – дейди АКШ-лик кузатувчи Шалохиддин Кавор Рави. – Сайлов юқори савияда ташкил этилганини алоҳида эътироф этаман. Сайловларда барча партияларга бир хил имконият берилгани менда катта таас-

сурот қолдирди.

Сайлов жараёни билан боғлиқ бундай илиқ фикрларни вилоятимизнинг кўпгина туман ва шаҳарларида эшитдик. Бир сўз билан айтганда, бу муҳим тадбир халқимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимлаётганини аққол ифода этди.

Улугбек ХАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: сайлов жараёнларидан лавҳалар.

Даврон АХМЕДОВ, Еркебий БОТИРОВ ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Соғлом она – соғлом бола

ТЎРТ МУЧАСИ СОҒ БЎЛСИН

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзу-умидлари акс этган эртагу ривоятларда эл-юрт тинчлиги, бехатар, фаровон ҳаётини таъминлайдиган мард, жасур йигитларни алпқомат, паҳлавон, норғул дея ардоқлаган. Ва айнан ўша паҳлавонлар миллат шаъни учун жонини ҳам аямаган.

Қаҳрамонларни дунёга келтириб, тарбиялаб, вояга етказувчи миллат оналарининг саломатлиги учун қайғуриш, бу борада муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш эса давлатимиз сиёсатининг устувор масалаларидан биридир. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

Вилоятимизда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлоднинг шакллантириш бўйича ўтказилётган тадбирлар айнан шу мақсадга қаратилган. Шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган "Репродуктив саломатлик ва соғлом бола туғилиши" мавзусидаги семинарлар аҳолида катта қизиқиш уйғотаётганлиги бежиз эмас.

Шундай тадбирлардан бири Паркент туманида бўлиб ўтди. Аввало, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва раҳбарлигидаги мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи туманининг энг чека кишлоқларига бориб, тиббиёт маассаларининг аҳоли билан та-

нишида ва бир йўла масала ҳамда амалий ёрдам берди. Ўшбу текширув, танишувлар натижасига таъминланган йиғилишда ҳодимлари, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, жамоатчилик вакиллари, имомхатиблар иштирок этишди. Иштирокчилар амалга оширилган хайрли ишлар билан бир қаторда жиддий эътибор берилиши лозим бўлган қатор муаммолар ҳақида сўзлаб, уларнинг ечимини кўпчилик кўмаги орқали ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Кишлоқ врачлик пунктлари аҳолини тубдан ахшилатиш, никоҳ ва оила масалалари, хусусан қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ, эрта турмуш қуриш ва бошқа ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайлаштириш, касб-хуна қоллежлари талабаларини тиббий қўриқдан ўтказишга, маҳаллалар фаоллари ва тиббиёт ҳодимлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида урғу берилди.


Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ФАРЗАНДГА МЕҲР КЕРАК

"Саломатлик – туман бойлик" дея бежиз айтилмаган. Инсоннинг туғилиши, ўсиб улғайиши, соғлом вояга етишида оила муҳити муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, инсон баъзан оиласиз яшаши ҳам мумкин. Лекин, бундай кемтиклик айнан саломатлик, баркамолликнинг кушандаси эканлигини англамайдиганлар бўлмаса керак орамизда.

Аввало, оила қуриш зарурати қандай пайдо бўлганлиги ҳақида ўйлаб кўрсак. Оиланинг ижтимоий асоси шундан иборатки, ҳаёт, турмуш, табиий қийинчиликларнинг ўзи кишиларни бирлаштиришга, биргаликда ҳаракат қилишга ундаган. Эрак ва аёл ўртасидаги иттифоқчилик уларнинг беҳатар ва мазмунли ҳаётини таъминлаган. Янги мазмун-моҳият касб этган ҳозирги оила тушунчаси эса, узок умр, мустаҳкам саломатлик, мазмунли ҳаёт билан қадридлир.

Аслида оила – жамиятнинг бир бўлаги, қон томири. Оилалар соғлом, мустаҳкам бўлмас экан, жамият саломатлигига ҳам путур етди. Шунинг учун, оила саломатлигини сақлашнинг асосий шартларида амал қилиш, яъни оилани тўғри ва оқилона ташкил этиш (тиббий кўрик, ҳар томонлама бир-бирига муносиблик), оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзанд кўришга тайёргарлик, ҳомилдорлик даврининг ўзига хос талабларини ҳисобга олиш, чақалоқ учун зарур бўлган барча



шароитларни тайёрлаб қўйиш, барвақт ва қутилмаган ҳомилдорликнинг олдини олиш, эраклар ва аёлларда учраши мумкин бўлган баъзи бир таносил касалликлари ҳақида тушунчага эга бўлиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, бола парвариши факат унинг қорнини тўйдиришдан иборат эмас! Оиладаги муҳитни она қорнидаёқ ҳис қиладиган нозукада туғилганданок осудалик, хотиржамлик, меҳр-муҳаббатни ва аксинча ҳолатларни жуда яхши англайди. Шунинг учун яхши фарзанд ўстириши истаган ҳар бир ота-она, аввало, ўзи тарбияли бўлиши лозим.

Гулбаҳор АБДУЛЛАЕВА, Саломатлик институти вилоят филиали директори.



МАЙДОНДА ПОРЛАГАН ЮЛДУЗЧАЛАР

Республикамизда хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиш имкониятлари айнан мустақиллик йилларида янада кенгайди. Қатор спорт турлари бўйича мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда аёлларимизнинг фаол иштирок этаётганлиги фикримиз далилидир.

Аслида, ҳар бир мақсаднинг амалга ошишида унинг асоси, пойдевори нечоғлиқ мустаҳкам бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода болажонларни боғча, мактаб ёшидан спортга, жисмоний тарбияга жалб этишга қаратилган барча сай-ҳаракатлар қўллаб-қувватланади. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган "Вилоят юлдузчаси" мусобақаси жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини янада ривожлантириш, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, бадий гимнастика турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш, ёшларнинг қўлини инсон сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир шаҳар ва тумандан ташриф буюрган спорт жамоаларининг чиқишларини йиғилганлар завк билан томоша қилишди. Ўқувчи қизларнинг бадий гимнастика бўйича маҳоратлари, айнисса, чирчиқлик 5 ёшли Вика



Ким, Фотима Давлатова (1-ўрин), зангиоталик Комила Иноғомова, олма-қизлар дастурлари (2-ўрин), зангиоталик Алина Гезаулина ва Бекобод шаҳридан Анора Тожибоевнинг (3-ўрин) чиқишларида яққол намоён бўлди. Улар тадбир ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саида РАҲМОНОВА, СУРАТЛАРДА: мусобақанинг ҳаяжонли лаҳзалари.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент тумани бирлашган қўмитаси ва туман халқ таълими бўлими жамоалари

барча ҳамкасбларини ҳамда вилоятимиз аҳлини яқинлашиб келаётган

Янги 2010 йил билан самимий қутлайди.

Янги йилнинг ҳар бир лаҳзаси барчамизга қувонч ва шодлик ҳадя этсин! Мустаҳкам соғлиқ ва омад Сизни тарқ этмасин!

"Республика Кўчас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилди!

Аукцион савдосига Қирой тумани СИБ томонидан, 20.02.08й., №880/7 ижро ҳужжати асосан, Тошкент в. Қирой т.т., Маткабулов қ.ф.й., Дўрмон маҳалласида жойлашган, 1200 кв.м. ер майдонига қурилган тураржой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 104 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 2 февраль кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчас мулкни 2010 йил 2 февральдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчас мулкни сотиш юзасидан тақдирот аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 февраль кунини бўлиб ўтиши олдидан маълум қилинади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.gkmb.uz расмий вебсайти орқали олишнинг имконияти мавжуд.

Шунингдек, 2010 йил 19 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақдирот, Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 29.02.09 ижро ҳужжати асосан, Ангрэн ш. ИИБ Бус-

тон жарима майдонида сақланаётган, "Тикон" русумли, д/р 11АЕ707 бўлган, 1997 йилда и/ч автоотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 531 439,50 сўм.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли сул ижорачилари бўлимининг вакили иштирокчида бевоқиф жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган қарор қилиш билан тегишли сул ижорачилари бўлимининг вакили иштирокчида бевоқиф жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Вниманию организаций и предприятий! Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

По объекту: Строительство железобетонной платформы (площадки) на территории таможенного поста «Ойбек» Бекабадского района Ташкентской области

Стартовая стоимость Заказчика: 184 960 630 сум с НДС (154 133 860 сум без НДС). Срок окончания работ установлен Заказчиком: 30 дней со дня предоплаты. СТРОИТЕЛЬНО БУДЕТ ВЕСТИСЬ – за счет собственных средств ГТК РУз.

ЗАКАЗЧИК: ГТК РУз. ОРГАНИЗАТОР ТОРГОВ: Территориальный консалтинговый Центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г. Ташкенту и Ташкентской области. Предприятия и организации должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг); обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсной объекту не менее 3-х лет, обладать гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие цено-

вые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – Территориальный консалтинговый Центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г. Ташкенту и Ташкентской области, по адресу: г. Ташкент, ул. Абая, дом 6, комн. 703.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации сто тысяч сум.


Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Абая 6, комн. 703, тел.: 244-07-65, факс: 244-12-17.

Последний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г. Ташкент, проспект Узбекистанский, дом 3. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Паркент тумани ҳақ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши Паркент туман бирлашган касаб уюшма кўмитаси жамоалари

вилоят аҳлини кириб келаётган

Янги 2010 йил билан муборакбод этади!
Баркамол авлод йилида Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, меҳнат фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.



ШАРОИТ БОРКИ, САМАРА БОР

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилаётган. Бу соҳа-ҳаракатларни ўртачирчиқ туманида ҳам кўриш мумкин. Тиббиёт бирлашмасида 205 нафар шифокор, 872 ҳамшира хизмат қилаётган.

Бугун туманимиз тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча қулайликлар мавжуд, — дейди бош шифокор Улуғбек Дадабоев. — Эл саломатлиги ҳар нарсадан устун. Мақсадимиз беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, унинг дардига малҳам бўлиш. Ўтган йили марказий шифохонамизда 50 ўринли даволаш бўлими очилди. Бу ерда ички касалликлар, хусусан, қандли диабет, ўпка шомоллаши, қон босими, юрак қон-томир касалликларига ча- линган беморлар давола-

нади. Хизмат кўрсатиш пуллик. Ҳар бир бемор 22 минг сўм тўлаб, ўн кун да-воланиши мумкин. Тўрт маҳал иссиқ овқат, сутли махсулотлар шифохона ҳисобидан бепул берилади. Бугунги кунда бизга қўшни туманлардан ҳам беморлар мурожаат қили-шаётган.

Учкун ҲАМДАМОВ.
СУРАТЛАРДА: шифокорлар навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда; муолажа пайтида.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.



Микроавтобус Бекобод шаҳридан йўлга чиқиши билан йўловчилар ўз-ўзидан икки-уч киши бўлиб суҳбатга киришиб кетишди.

— Йўл бўлсин, ота? — ёнидаги оппоқ соқолли мўйсифидга мурожаат қилди ойна томонда ўтирган йигит.

— Тошканга, улим, — деди қария ва оғир тин олди.

Мен ҳам жавобни қизикиб кутдим. Ниҳоят, отахон фикрларини жамлаб олди шекилли, охи-ста гап бошлади:

— Бунга чорак аср бўлиб қолдиёв... Бир кун кишлоққа бораётган автобусимиз ағдарилиб, кўпимиз оғир жароҳат олдик. Кейинроқ билдимки, мени беҳуш ҳолда Тошкан шифохона-сига олиб келишпти. Кўрак қафасим ва оёғим синиб, қон томиримга зарар етган экан. Бирор ҳафта ўтиб, ўзимни ўнглаб олганимда, опе-рация ниҳоятда мураккаб бўлганини, уни жарроҳ Мирзабек Дўстмуродов бажарганини айтишди.

Уша кунни пешинга яқин менга янгидан ҳаёт бағишлаган шифокорнинг ўзи палатага кириб келди. Барака топсин, ҳам хайрли иш қилиб, жонимга оро кирди, ҳам ширин-ширин сўзлар билан юпатиб, кўнглимни кўтарди. Эрталаб, маҳал-лада эшитиб қолдим, ўша халоскорим бугун ўзи шифохонада давола-наётган экан. Эшитдим-у, манзилини аниқлаб, мана, азим Тошкан қай-дасан, деб кетаяман...

Мўйсифиднинг ҳикоя-си мени қизиктириб қолди. Тақдири жозибали бу олим-шифокорнинг ҳайратомуз ишлари ҳақида ўқиганларим, эшитганларимни эсла-дим. Тошкентга етиб келгач, ишонамга кир-дим-у, Бекобод шаҳрига, марказий шифохонанинг шошили-ч тез ёрдам бўлимига кўнгироқ қил-дим.

— Боситжон Олимович, ҳали устозингиз ҳақида гапирганингизда тўлиқ

ёзиб олманган эканман, — дедим бўлим мудирининг таниш овозини эшитиб. — Илтимос, Мирзабек Дўстмуродович ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз?

Боситжон Иброҳимов билан телефон орқали суҳбат ҳийла чўзилиб кетди. У Андижон Давлат тиббиёт университетиди тахсил олган йилларини, профессорнинг лекция-ларини, у киши ўтказган операцияларни кузатган-ликларини эслади, бу

ҳўшаш ийқ шифокор-нинг илмий-амалий фаолияти ҳақида гапириб берди.

— Ниҳоятда қўли енгил жарроҳ, — деди суҳбат-дошим пировардида. — Устознинг монография-лари, қўлланмалари асо-сида, жарроҳлик амали-ти мисолида малакамиз-ни оширганмиз...

Бу сўзларни тингла-ман-у, ажойиб жарроҳ, иқтидорли олимнинг са-марали амалий ва илмий-педагогик фаолиятининг ёрқин саҳифалари кўз ўнгимдан ўтаётди. Бугун мустақил Ўзбекистон-и-мизнинг етакчи травма-толог олими сифатида до-вруқ қозонган Мирзабек Дўстмуродов Бекобод тумани Қўшчи қишлоғи-даги ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариёқ тирик-чилик важдан суяги ме-хнатда қотди.

Уруш тугаб, фронтчи йигитлар қишлоқларга қайтишгач, Мирзабек олий малакали мутахас-сис бўлиб етишиш ҳара-катига тушиб қолди. У аллақачон тиббиёт соҳа-сини танлаганди. Шу бос Дўшанбе тиббиёт институтининг жарроҳлик куллийтига ўқишга кир-

ди. Иқтидорли талаба ўқишни тугатгач, кафед-рада қолдирилди. Бир-мунча муддат академик Комил Тожиёв раҳбарли-гида жарроҳлик маҳора-тини эгаллаб, салоҳият-ли шогирд эканлигини намоён қилгач, Москва-даги академик Бурденко номли нейрохирургия илмий-тадқиқот институ-ти аспирантурасида ил-мий изланишларини да-вом эттирди.

— Ўша воқеаларга ҳам ярим асрдан ошди, —

қўлнинг, шол бўлиб қолиши, умуртқа безла-рининг келиб чиқиш са-бабларини илмий асо-слаб берди. Профессор 1980 йилга қадар Анди-жон тиббиёт институти травматология, ортопе-дия ва дала жарроҳлиги кафедрасига раҳбарлик қилди, юзлаб юқори ма-лакали жарроҳларни тар-биялаганга бош-қош бўлди. Кейин олти йил республика травматоло-гия ва ортопедия илмий-тадқиқот институтига раҳ-



ўзи савол беради олим ва бирмунча муддат тин ол-гач, охи-ста сўзлайди. — Мен ўз бахтимни юзлаб шогирдларимнинг порлоқ тақдирда кўраман. Қайси тиббиёт олий ўқув дар-гоҳи, қайси тиббиёт ил-мий-тадқиқот институти, қайси вилоят, шаҳар ёки туманга бормай, ўзимни шогирдларим даврасида кўраман. Ахир, олим, ус-тоз учун бундан ортиқ бахт борми?!

Дарҳақиқат, Мирзабек Дўстмуродов бугунги мустақил Ўзбекистон тиб-биёти соҳасида табарруқ устозлардан. Иқтидорли шогирдларидан бири — профессор Нейматжон Қўрбонов кўп йиллар ус-тоз ишини давом этти-риб, Андижон давлат тиббиёт институти тра-вматология, ортопедия ва нейрохирургия кафедр-асига раҳбарлик қилди, шу институт даволаш куллийтини бошқарди.

Мирзабек Дўстмуродов бутун амалий фаолияти давомида Тошкент ви-лоятида тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаш-тириш масалаларига бош-қош бўлиб келмоқ-да. Унинг эътибори ва ёрдами билан Бекобод-да энг замонавий жар-роҳлик амалиёти макта-би яратилди. Бу мактаб намоёндалари — Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган фан арбоби Мирзабек Дўстмуродовнинг шогирд-лари бугун мураккаб жар-роҳлик операцияларини бажариб, юзлаб бемор-ларга даво улашяпти.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.

Собир Раҳимов тумани Тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-си томонидан 04.01.2008 йил-да № 05-04779 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 600566710) яқка тартибдаги тадбиркор Исмаилов Асилхон Лутфуллаевичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-си томонидан 06.11.2008 йил-да № 05-06334 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 422849139) яқка тартибдаги тадбиркор Юлдашева Фатима Ходжимуратовнага тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл туманидаги 35-ум-ий ўрта таълим мактаби то-монидан 2007 йилда Абиев Нуркен Абдуллаевич номига берилган О'Р-Ш № 0748136 рақамли шаходатнома йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО “FAROVON HAYOT SARMOYALARI” (заргистриро-ванный в ИПСП Чиланзар-ского хокимията г. Ташкента от 19.06.2007г.), расположенный по адресу: г. Ташкент, Чилан-зарский район, 2-квартал, д. 48 извещает об уменьшении уставного фонда общества с 1 064 900 000 сумов до 1 059 900 000 сумов. Претензии при-нимаются в течение 30 дней по тел.: 111-27-20.

Собир Раҳимов тумани Тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-си томонидан 11.02.2009 йил-да № 05-07025 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 600114061) яқка тартибдаги тадбиркор Хафизов Абдурашид Махаммаджоновичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани Тадбир-корлик субъектларини рўйхат-дан ўтказиш инспекцияси то-монидан 10.02.2006 йилда № 10-01049 рақам билан рўйхат-га олинган (ИНН 477840652) яқка тартибдаги тадбиркор Садиқов Зафар Раҳимжано-вичга тегишли бўлган бир дон-а думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Эски йил ҲАҲТОМАЛАРИ

Ҳикоячи ҳақида ҳикоя

Янги йил арафасида асқичи биродаларимиз Баҳодир Шокоров ҳамда Мансуржон Охунвалар билан Жиззахга бордик. Жа-а зўр концертлар ўтказдик. Концертдан кейин меҳмонхонада дам оладиган бўлдик. Паспортларимизни меҳмонхона ходимасининг олдига ташладик.

— Уновимизга битта хона берсангиз, — дедим.

Ходима паспортларимизни бир-бир арақлаб:

— Учовларингиз битта хонага қўйлайман, — деди

қошларини чимириб.

— Нера? — баравар савол бердик.

— Битталаринг хотин киши-ю... Никоҳ қозғаларинг йўқ, — деб ходима паспортларимизни узатди.

Қарасак... Мен ўзимнинг паспортим қолиб, хотиникини кўтариб келган эканман.

Ана шу ўзиники қолиб, хотиникини кўтариб юрадиган Қаҳқайлоқнинг энг олди йиғити — ҳикоячининг, Солиқдон Ҳасанов биз бўламиз!

Энг гўзал эркак

Бунисиям ўзимиз. Мана ман деган рассомлар ҳам тасдиқлайди бунини. Ишонмасангиз, халқаро карикатурачи-рассомлар танловидан ўндан ортқик "Олтин медаль"ни қўлга киритган Маҳмуджон Эшонқуловдан сўранглар.

Учрашувлардаги чиқишларим Маҳмуджонга жа-а маъқул келиб кетибди-да. "Сизнинг шарҳингизни чизаман!" деб қолди. "Шарҳ деганларингиз қанақа бўлади?" дея сўрадим. "Расмингиз ўзингизга ўхшайди-ю, бир-иккита кулгили детал-

лар қўйилади", жавоб қилди Маҳмуджон. Рози бўлдим. Рассом боласи тушмагур мени столга ўтказди. Автохалокатдан кейин юзимда пайдо бўлган чандиқларга ўнг томонимга ўтиб қаради, чап томонимга ўтиб қаради, иягини кўтариб қаради, бўйинини эгиб қўйиб қаради! Сўнг хафсаласи пир бўлиб деди:

— Сизнинг шарҳингизни чизиб шарт эмас экан. Расмингизни ўзини шундай берди юбурса ҳам шарҳ бўлавераркан!

Маданиятнинг кириб келиши

Маданият кишлоғимизга тў-у-у-ри қўшни тумандан кириб келган.

Ҳалим бўқоқнинг ўғли Салим бўқоқ уланадиган бўлиб қолди. Келин томон, жа-а, муруватли эканми, сарполар ичига галстук ҳам қўшиб жўнатишди-да!

— Катта давраларда юрасиз, ака, боғлаб беринг! — деб сўли азон айтмасдан Салим бўқоқ келиб қолди.

Ўйлаб кўрсам, галстукларнинг ичиди юраверган эканман, бирор марта ўзим тақиб кўрмаган эканман.

— Хо-о-о-в кишлоқнинг чеккасида районда ишлайдиган Хусан галстук бор. Галстукнинг ёнмай ухлайди дейишади. Ўша боилашни библиши мумкин, — дедим.

да, Салим бўқоққа қўйилган ҳурмати ўзим йўл бошладим.

Хусан галстук дардимизни эшитган, чўқур эснади. Сўнг майка устидан тақилган галстукнинг учидан ушлаб туриб деди:

— Галстукни сотиб олам, сотувчига боғлатаман. Шу бўйи туғуни бўшаб кетгунча, тешигдан калламан кириб-чиқиб юравераркан!

Вей, ишонасизларми, галстукни кўтариб бутун кишлоқни айланиб чиқдик — боғлашни биладиган битта одам тополмадик! Яхшиям қўшни тумандан пахта култивациясига ёрдам бергани келган тракторчи бор экан, ўша боғлаб берди.

Ўйимдаги бегона

Янги костюм-шимларни кийиб, эрталаб ишга кетаман, кечқурун мағрур уйга кириб келаман. Унча парво қилмагандим, аммо мени бундайин пўрим ҳолатда кўрмаган ҳамқишлоқларим аҳамият беришибди костюм-шимимга!

Лой кечиб, маккага сув қўйиб, даладан келаятсам, Абдураҳим сассик чойхона олдида четга тортиди:

— Уч-тўрт кундан буён қора костюм-шим кийган бегона эркак ўйингга кириб-чиқиб юрибди, хотинингга эҳтиёт бўл!

Абдулла бақирок

Кишлоғимиздан чиққан энг катта одам — Абдулла бақирок бир пайтлар қолхозда раис бўлган. "Виллис" машинаси бўларди. Макка-жўхориининг олдига келдими, машина тўхтар-тўхтамас ундан Абдулла бақирок отилиб тушарди. Сўнг қўлларини оғзига варонка қилиб туриб, жўхориизорга қараб бақирарди:

— Хо-о-ов, ўғрини ушла! Ушла-а-а, ўғрини!

— Ҳеч ким кўринмайдими-ю? — дедим.

— Бу бақирокдан кейин бор бўлса ҳам қочади-да! Бир кун одатдагича:

— Хо-о-ов, ўғрини ушла! Ушла-а-а, ўғрини! — деб бақирган экан, жўхориизордан ярим қоп сўгани орқалаб хотинларни чиқиб қолибди. Хотинини қўлидан ушлаб, машинага ўтказибди-да, яна житоб қилармиш: — Қолганларини ушла, қолганларини!

Кимлигини айтмайман

Абдулла бақирок ҳар кун азонда кишлоқ радиозелидан чиқиш қилади. (Ўзи аслида радиода чиқмасдан, ҳовлига чиқиб гапирсалар ҳам етарди — бутун кишлоқ эшитарди). Уч-тўрт марта чиқиш қилгандан кейин, акаимизнинг лақаблари яна биттага ортди — Абдулла кимлигини айтмайман.

— Ҳурматли ўртоқлар! Қолхозимизда ҳаммамиз учун қимматли бўлган тут

баргини мол-қўйларига берадиган текинтомоллар қўлайиб кетди. Бундайларни фох қилишимиз, жазосини беришимиз керак! Мана, масалан, кимлигини айтмайман, кўз-қўзга тушса хафа бўлиши мумкин, ўзун-кўннинг охирида яшайди, Умматаланининг қўшниси, кимлигини айтмайман! Яна уйи катта кўприкнинг ёнида, 66-25 машинани минади, кимлигини айтмайман!

Саид АНВАР.

Общество с ограниченной ответственностью "ASK VOSTOK INVEST" (ООО "ASK VOSTOK INVEST"), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Сарабустон 3а/1, кв. 6 (ИНН 300950908), извещает об уменьшении уставного фонда с 855 000 000,0 (восемьсот пятьдесят пять миллионов) на 691 000 000 (шестьсот девяносто один миллион) сумов. (Протокол собрания учредителей № 5 от 15.12.2009г.) Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления по тел.: 217-61-45.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

ISSN 2010-9318.

ЮРТ ТАЯНАДИГАН КУЧ

Тарихий ўтмишимиз, аж-доларимиз ўғитлари шундан далолат берадики, озошлигини асрай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайдир. Бунини соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг "Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур", деган сўзларидан ҳам англашимиз мумкин.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темури Малик, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал харфлар билан битилган.

Эш авлодиди ана шундай мард, жасур, менталитетимизга ёт бўлган зарарли

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамиз учун муқаддас бурчдир. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спортни оммавий ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўз ҳаётий таърибаси, шахсий ибрати билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга меҳнати сингган устозларимиз иштиролда маҳалла, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, олий ўқув юрлари ҳамда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда маънавий-маърифий, ахлоқий муносабатлар муҳитини янада яхшилаш, ҳуқуқий тарғи-

ботни кучайтириш, ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришнинг янада муқтаҳкам-ламоғимиз лозим.

Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавий — энгилмас куч" асарига "Алпомиш" дostonини "миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир", деб таърифлайди.

Чиндан ҳам "Алпомиш" дostonи бизга ватанпарварлик фазилатлардан сабоқ беради. Одил ва ҳаққўй бўлишга, юртимизни, оиламиз кўргонини асрашга, дўсту ёримизни, ор-номушимизни ҳар қандай таъовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Ёшлар тарбиясига эъти-

бор бугунги кунда ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлиб, унга бурч ва масъулият билан ёндашиш — маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш гарови ҳисобланади. Инсон қалбига Ватанга бўлган муҳаббат инсонпарварлик туйғуси орқали муҳассам бўлади. Шу маънода Ватанни халқ ўтмиши, бугуни ва келахатини ифодаловчи энг муқаддас тушунча сифатида англаш мумкин. Бу тушунча тарих давомида вақт ўтиши, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб боради.

Ватанпарварлик тушунчасида миллий ғоя акс этади. Миллий ғоя ҳеч қачон

Ватандан ташқарида илдиэ отмайди ва ривожланмайди. Инсон шахсини шакллантириш, унинг қамолотини таъминлашдек олижаноб вазифага бутун умрини бағишлаган кишилар муҳаббат ва бурчларини шу орқали адо этадилар.

Миллий тарбиянинг моҳияти, мақсадлари, усуллари заминиди ҳам шундай вазифаларни қўриш мумкин. Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Махмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ҳазрат Навоий асарларида, Амир Темури тузуқларида ҳам ватанпарварлик, миллий ғурури асосий ўрин эгаллайди. Қомил инсон ғоясининг маънавий-ахлоқий негизлари дастлаб инсоният тарихидаги энг қадимги тарихий ёзма ман-

балардан бири "Авесто"да ҳам қайд этилган. Биз яшаётган айти ташкили давраларда ватанпарварликнинг, фидойиликнинг аҳамияти катта.

Негаки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар фақат биз учунгина эмас, балки келажак авлодлар, уларнинг тақдири, Ватанимиз шон-шухрати, жаҳондаги обрў-эътибори учун ҳам хизмат қилади. Юртимиз манфаатлари ҳақида ўйлаш, унинг тинчлигини таъминлаш, озоишталлиги учун қайғуриш ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчидир. Бу ҳақиқатни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириб бориш айти муқдас бўлади.

Муҳаммадjon
АБДУРАҲMONОВ,
ЎЗМУ профессори,
Азизхон
ЗАЙНИТДИНОВА,
ЎЗМУ доценти.

ҚИЛМИШИ ҚИММАТГА ТУШГАН «ТАДБИРКОР»

Ҳозир ҳалол йўл билан ризқини топган одамнинг муштунини биров "пишт" демайди. Қинғир йўл билан боймоқчи бўлган тадбиркор эса бир кунмас бир кун ишончини йўқотади, қўлга тушади.

Тошкент туманининг "Гулистон" маҳалласида яшовчи Азим Абдуҳадидов ҳатта-ли бўлса ҳам "тадбиркорлик"нинг шундай йўлини таллади. "Бир марта шуғулланман-у кейин чўнтакни қаппайтириб юравераркан", — деган хомхал билан у қўшни Қозғистон Республикаси томонидан ҳамтовоклар топди, ҳужжат-пужат деб ўтирмай, улардан оз эмас, кўп эмас умумий қиймати 13,5 миллион сўмга бориб қоладиган "Шедрое лето" деб номланган уч турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини — яъни маргарин, майонез ва хантал (горчицаларни арзон нархларда сотиб олди. Маргарин билан майонезнинг истеъмолга яроқлилик муддати ўтганлигига ҳам қараб ўтирмади. Бундан хурсанд бўлган ҳамтовоклар "хизматга-хизмат" қабилда чегарадаги божхона манзилини четлаб, маҳсулотларни эшак арава-ларда Ўзбекистон ҳудудига киришиб, "УАЗ" русумли автоташнага ортиб беришди.

Автомашина юкни мижоз айтган жойга етказиб бериши, А. Абдуҳадидов эса эртаси кунлик уни тўппа-тўғри "Урикзор" бозорига олиб бориб, ўзи олдиндан гаплашиб қўйган "клиент"га ўтказиши керак эди. У ўзининг эски таниши Шаҳобиддин Хидралиевни топиб, юкни "Урикзор" бозорига элтиб беришни илтимос қилди. Ш. Хидралиев юкнинг ҳужжатлари бор-йўқлигини суриштирганида, А. Абдуҳадидов бундан хавотир олмаслигини, ҳамма ҳужжатлар жойидалигини айтиб, ишонтирди. "Мен энгил машина билан орқанидан юраман, бирортаси тўхтаётгани бўлса, у билан ўзим гаплашаман", деди ва эвазига машинасига тўлдириб ёниги қўйиб беришни ваъда қилди.

2009 йил 3 октябр кунини эрталаб "УАЗ" машинасида (Газетанинг навбатдаги сони 2010 йил 6 январь кунини чиқади).

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2006 йилда 57-06 гуруҳ талабаси Хушбаков Сирожиддин Қувандикович номига берилган 1225 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Фармацевтика институтининг 1993 йилда Хаджаева Зулфияхон Тўйчиевна номига берилган ЦВ № 781990 қайд рақами 10475 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани, Тан-сиқбоева 1, 15-уй, 26-хонадон-га тегишли Мамашарипова Жамила номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Фармацевтика институтининг 1985 йилда Ваҳабова Рано Маннабонна номига берилган МВ-1 № 081303 рақамли қайд рақами № 6466 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 12.11.2009 йилда № 0901877 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 475409910) яқна тартибдаги тадбиркор Юсупов Тоҳиржон Қадировичга тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 03.01.2008 йилда № 05-04766 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 4754029915) яқна тартибдаги тадбиркор Азимов Отабек Аҳмадоновичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 03.01.2008 йилда № 05-04766 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 4754029915) яқна тартибдаги тадбиркор Азимов Отабек Аҳмадоновичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

TASH-KVA-TRANSSSERVIS

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча ҳамкасблари ва
юртдошларимизни кириб келаётган
янги 2010 йил —
Баркамол авлод йили
билан самимий табриклайди.
Янги йил ҳар бир хонадонга
файзу баракот, оилаларга
бахт-саодат олиб келсин!
Баркамол авлод йили соғлом,
билимли ёшларимиз Ватан тараққиёти,
юрт равнақи ва халқ фаровонлигига
беқиёс ҳисса қўшган йил сифатида
ўчмас из қолдирсин!

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот
тайёрлаётган корхона юксак технологияга
асосланган ишлаб чиқариш воситалари,
замонавий лабораторияга эга.
Барча маҳсулотлар сертификатланган.
Чекланмаган миқдорда буюртмалар
қабул қилиш имконияти яратилган.
Ҳамкорликда ишлашни истаганлар учун
корхона эшиклари доимо очик!

Байрам ҳазинлари

Мен қорбобо бўламанми
ёки сени қўриқчингми?

СОВУҚМАСМИ,
ДУНДИГИМ?

Частное предприятие "FIRST SERVIS" (ИНН 301134797) меняет форму собственности на ООО "FIRST SERVIS". Претензии принимаются по тел.: 703-04-46.

Чилонзор туманидаги "AGRO BIO TEXMAX" хусусий корхонаси устав фондини 20.000.000 сўмдан 60.000 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: 275-46-53.

Хусан СОДИКОВ чизган расмлар.